

# БЕЛАРУСИЯ РЕСПУБЛИКАСИ

Давлатни қисқачи номи: **Беларусь.**

Давлатни ҳарfli коди (альфа 1)\* : **BY.**

Давлатни ҳарfli коди (альфа 2)\* : **BLR.**


Давлатни рақамли коди\*: **112.**

Пойтахти: **Минск.**

Расмий тили: **Белорус, рус.**

[Википедияда:](#)

[Google харитада:](#)



Пул бирлиги: **Белорус рубли.**

(валютани ҳарfli коди\* - **ВХВ**, валютани рақамли коди\* - **112**).

Ҳалқаро ташувлардаги мамлакат автомобиллари ва тиркамаларининг ўзига хос белгиси: **BY.**

Белгиланган вақт ва нол зонанинг вақти ўртасидаги фарқ:

пойтахтда: **+ 2 соат.**

худудларда: **+ 2 соат** (барча худудлар бир хил вақт зонасига киритилган).

*Изоҳ: \* - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 04.06.2016 йил 2773-сонли ДБД тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ.*

## ЙЎЛ ҲАРАКАТИ

### Ҳаракатланиш тезлигини чегараланиши

АТВ ва чекловларни таъсир этиш жойлари	Тезликни чегараси км/с
Шаҳар ва аҳоли яшаш жойларида:	
Юк автомобили (3,5 т.дан ортиқ)	60
автобус	60
Аҳоли яшаш жойларидан ташқарида:	
юк автомобили ( 3,5 т.дан ортиқ)	70
автобус	90
Автомобилларда:	

Юк автомобили (3,5 т.дан ортиқ)	90
автобус	90

**Автотранспорт воситаларни рухсат этилган ташқи ўлчамлари ва оғирлик параметрлари**

**Рухсат этилган этилган ташқи ўлчамлариташқи ўлчамлар**

<b>Юкланган ёки юксиз транспорт воситани ташқи ўлчамларини номи</b>	
<b>Узинлиги</b>	
Юк автомобили	
Автобус	
Автобус (ўқлар сони 2 тадан ортиқ бўлган)	
Автопоезд, ўзит ортувчи автопоезд	
<b>Эни</b>	
Рефрижератор	
Бошқа транспорт воситалар	
<b>Баландлиги</b>	
Юкни чиқиб қолиши	

В соответствии со статьей 185 Правил дорожного движения Республики Беларусь груз, выступающий за габариты транспортного средства спереди или сзади более чем на 1 метр или сбоку более чем на 0,4 метра от внешнего края габаритного огня, должен быть обозначен опознавательными знаками «Крупногабаритный груз», а в темное время суток и (или) при недостаточной видимости дороги, кроме того, спереди — фонарем, излучающим белый свет, сзади — фонарем, излучающим красный свет.

Белорусия Республикаси йўл ҳаракати қоидаларининг 185-моддасига биноан, транспорт воситасининг ташқи ўлчамини олд ёки орқа томондан 1 метрдан ортиқ ёки ён томондан габарит чироқларини ташқи четидан 0,4 метрдан ортиқ чиқадиган юклар «Катта хажмли юк» белгилари билан белгиланиши керак, ва тунда ва (ёки) йўлни етарли даражада кўринмайдиган вақтлариди, қўшимча равишда, олд томондан оқ нур таратадиган чироқ, орқа томондан қизил нур таратадиган чироқ билан жиҳозланиши талаб этилади.

**ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРНИ РУХСАТ ЭТИЛГАН УМУМИЙ ОҒИРЛИКЛАРИ**

Транспорт воситасини номи	Йўл қатламини бардош бериш қобилияти..... бўлган автомобил йўллари		
	Ўқга тушувчи 11,5 т.	Ўқга тушувчи 10 т.	Ўқга тушувчи 6 т.
Юк автомобили:			
Икки ўқли	20	18	12
Уч ўқли	25	24,5	16
икки жуфт ғилдиракка эга бўлган учта етакловчи ўқли, ҳаво осмаси билан жиҳозланган, ёки ҳар бир ўқи иккитадан ғилдиракларга эга ва ҳар бир ўқнинг максимал оғирлиги 9,5 тоннадан ошмаган	26	25,5	16,5
Тўрт ўқли	35	32	23
беш ва ундан ортиқ ўқли	41	38	28,5
Ўзи тортувчи автопоезд:			
Бир ўқли ярим тиркамали икки ўқли ўзи тортувчи	32	28	18

Ўқлари орасидаги масофа 1,8 метргача бўлган икки ўқли ярим тиркамали икки ўқли ўзи тортувчи	38	36	24
Ўқлари орасидаги масофа 1,8 м.дан 2,5 м.гача бўлган икки ўқли ярим тиркамали икки ўқли ўзи тортувчи	40	38	28,5
Тўрт ўқли ярим тиркамали икки ўқли ўзи тортувчи	40	38(40*)	28,5
Бир ўқли ярим тиркамали уч ўқли ўзи тортувчи	36	35	24
Икки ёки уч ўқли ярим тиркамали уч ўқли ўзи тортувчи	42	40	28,5
Аралаш ташувлар учун ишлатилувчи 40-футли (12,2 метр) ISO - контейнерли икки ўқли ярим тиркамали уч ўқли ўзи тортувчи	44	40	28,5
Аралаш ташувлар учун ишлатилувчи 40-футли (12,2 метр) ISO - контейнерли уч ўқли ярим тиркамали уч ўқли ўзи тортувчи	44	40(44*)	28,8
Бошқа ўзи тортувчи автопоездлар	41	38	28,5
Автопоезд, комбинациялашган транспорт воситалар:			
Икки ўқли юк автомобили, ўзи тортувчи автомобил, бир ўқли тиркамали трактор	32	28	18
Икки ўқли юк автомобили, ўзи тортувчи автомобил, икки ўқли тиркамали трактор	40	36	24
Икки ўқли юк автомобили, ўзи тортувчи автомобил, уч ўқли тиркамали трактор	42	40(42*)	28,5
Уч ўқли юк автомобили, бир ўқли тиркамали ўзи тортувчи автомобил	36	34	22
Уч ўқли юк автомобили, икки ўқли тиркамали ўзи тортувчи автомобил	42	40(42*)	28,5
Уч ёки тўрт ўқли юк автомобили, уч ёки тўрт ўқли тиркамали ўзи тортувчи автомобил	44(47*)	40(44*)	28,5
Бошқа турдаги автопоездлар (ўзи тортувчидан ташқари), комбинациялаштирилган транспорт воситалар	42	38	28,5

<\*> Орқа пневма осмали транспорт воситалар учун.

### TRANСПОРТ ВОСИТАЛАР ЎҚИГА ТУШУВЧИ РУХСАТ ЭТИЛГАН ОҒИРЛИКЛАР (ЎҚГА ТУШУВЧИ ОҒИРЛИКЛАРНИ ЙИГИНДИСИ)

Транспорт воситаси ўқларини номи	Йўл қатламини бардош бериш қобилияти ..... бўлган автомобил йўллари					
	Ўқга тушувчи 11,5 т.		Ўқга тушувчи 10 т.		Ўқга тушувчи 6 т.	
	Иккитали ғилдираклар учун	Биттали ғилдираклар учун	Иккитали ғилдираклар учун	Биттали ғилдираклар учун	Иккитали ғилдираклар	Биттали ғилдираклар учун

					учун	
етақловчи	11,5	10,5 (11,5**)	10 (10,5**)	9(10**)	6	6
етақланувчи	10	9(10*)	10	8(9**)	6	6
Эғизак < * * * > ўқли тиркамалар ёки ярим тиркамалар, юк автомобиллари ўзи тортувчи автомобиллар, ўзи тортувчи ёки автобуслар <*> ўқлар орасидаги масофа бўлганда:						
1 м.гача	12,5	11,5	11	10	9	8
1 м.дан 1,3м.гача	16	14	14	13	10	9
1,3 м.дан 1,8 м.гача						
Юк автомобили, ўзи тортувчи автомобил, ўзи тортувчи	18(19**)	17(18**)	18(19**)	15(16**)	11	10
Тиркама, ярим тиркама	18(19**)	17(18**)	16(17**)	15(16**)	11	10
1,8 м.дан 2,5 м.гача	20	18	18(20**)	17(18**)	11	10,5
Ўрнатилган <***> ўқли юк автомобиллари, ўзи тортувчи автомобиллар, ўзи тортувчи, тиркамалар ёки ярим тиркамалар ўқлари орасидаги масофа:						
1,3 м.гача	21	20	19,5	18,3	13,5	12
1,3 м.дан 1,8 м.гача	24	24	22,5	21 (22,5**)	15	13,5
1,8 м.дан 2,5 м.гача	26	25	23	22	16,5	15
Ўқлар орасидаги масофа ..... бўлганда юк автомобиллар, тортувчи автомобиллар, ўзи тортувчилар, ўчдан ортик ўқли тиркама ва ярим тиркамаларнинг қўшалок ўқлари:						
1 м.гача	5,7	5,2	5,5	5	4	3,6
1 м.дан 1,3 м.гача	7	6,5	6,5	6	4,5	4
1,3 м.дан 1,8 м.гача	8	7,5	7,5	7	5	4,5
1,8 м.дан 2,5 м.гача	9,5	9	8,5	8	5,5	5

< \* > йўловчиларни ташийдиган автобуслар учун истисно тариқасида қуйидаги ўқларга тушувчи оғирликлар (ўқга тушувчи оғирликлар йиғиндиси) рухсат берилади: 11,5 тонна (битта ўқли) ва 19 тонна (ўқлар орасидаги масофа 1,3 дан 1,5 метргача бўлган иккитали ўқлар).

<\*\*\*> пневмо осмали транспорт воситалар учун.

< \* \* \* > Асосий ўқи (иккита асосий ўқи) иккитали ғилдираклари билан, қўшимча ўқи эса биттлик ғилдирақлар бўлган иккита ёки ўрнатилган ўқлар учун рухсат этилган оғирликларнинг йиғиндиси иккитали ғилдирақли ўқларга тушувчи оғирликни 0,5 тоннага камайтирилгани, ўрнатма ўқли юк автомобиллар, тортувчи автомобиллар, ўзи тортувчилар, ўқ оралиғи 1,3 дан 1,8 метргача, бўлган тиркама ва ярим тиркамалар бундан мустасно, ўқга тушувчи 11,5 т. оғирликга бардош бериш қобилиятига эга бўлган йўл қопламали автомобил йўллари учун.

**НОҚУЛАЙ ОБ-ҲАВО (МЕТЕОРОЛОГИК) ШАРОИТИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЎҚЛАРИГА ТУШУВЧИ ЮКЛАРНИ ВАҚТИНЧА ЧЕКЛАШ ДАВРИДАГИ ЎҚЛАРГА РУХСАТ ЭТИЛГАН ОҒИРЛИКЛАР (ЎҚЛАРГА ТУШУВЧИ ОҒИРЛИКЛАР ЙИҒИНДИСИ)**

Транспорт воситаси ўқларни номи	Йўл қатламини бардош бериш қобилияти ..... бўлган автомобил йўллари
---------------------------------	---

	Ўқга тушувчи 9 тонна		Ўқга тушувчи 8 тонна		Ўқга тушувчи 7 тонна	
	Иккитали ғилдиркаларда	Биттали ғилдиракларда	Иккитали ғилдиракларда	Биттали ғилдиракларда	Иккитали ғилдиркаларда	Биттали ғилдиракларда
Биттали ўқлар:						
Етакловчи	9,0	8,0	8,0	7,1	7,0	6,4
Етакланувчи	9,0	7,5	8,0	6,7	7,0	6,0
Ўқлар орасилдаги масофа ..... бўлган тиркамалар ёки ярим тиркамалар, юк автомобиллари, тортувчи автомобиллар, ўзи тортувчи ёки автобуслар:						
1 метргача	10,5	9,5	10,0	9,0	9,5	8,5
1 дан 1,3 метргача	13,0	12,0	12,0	11,0	11,0	10,0
1,3 дан 1,8 метргача	14,8	13,8	13,5	12,5	12,3	11,3
1,8 дан 2,5 метргача	16,3	15,4	14,5	13,8	12,8	12,1
Ўқлар орасидаги масофа ..... бўлган ўрнатма ўқли юк автомобиллар, тортувчи автомобиллар, ўзи тортувчи, тиркамалар ёки ярим тиркамалар:						
1,3 метргача	18,0	16,7	16,5	15,2	15,0	13,6
1,3 дан 1,8 метргача	20,6	19,1	18,8	17,3	16,9	15,4
1,8 дан 2,5 метргача	21,4	20,3	19,8	18,5	18,1	16,8
Ўқлар орасидаги масофа ..... бўлган учдан ортик, кўшни ўқли юк автомобиллар, тортувчи автомобиллар, ўзи тортувчи, тиркама ёки ярим тиркамалар:						
1 метргача	5,1	4,7	4,8	4,3	4,4	4,0
1 дан 1,3 метргача	6,0	5,5	5,5	5,1	5,0	4,5
1,3 дан 1,8 метргача	6,9	6,4	6,3	5,8	5,6	5,1
1,8 дан 2,5 метргача	7,8	7,3	7,0	6,5	6,3	5,8

Изох: Йўл қопламасининг юк кўтариш қуввати 6, 10 ва 11,5 тонна бўлган автомобил йўллари учун ноқулай об-ҳаво (метеорологик) шароитида транспорт воситаларнинг ўқларига тушувчи юкларни чеклаш муддати давомида транспорт воситаларнинг ўқиға тушувчи оғирлик ( ўқга тушувчи оғирликни йиғиндиси) қийматини рухсат этилган миқдори Фармонни 2-иловаға мувофиқ белгиланади.

## ЁҚИЛҒИ КИРИТИШ

Двигателни технологик ва тузилишидан келиб чиқиб, ёқилғи бакидаги ёқилғини бож тўловисиз олиб киришға рухсат берилади.

## СОЛИҚ ВА ЙИҒИМЛАР Йўл йиғими

Икки тмонлама келишувда кўрзда тугилмаган бўлса, чет эл юк автотранспорт воситаларидан йўл йиғими олинади, йиғимни миқдори автомобил транспортини тури, уни умумий оғирлигидан келиб чиқади.

## **БЕЛАРУСИЯ РЕСПУБЛИКАСИ УМУМФЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ҲАРАКАТЛАНИШИ УЧУН ЙИҒИМ МИҚДОРЛАРИ**

<b>Транспорт воситасини тури</b>	<b>Транспорт воситасини рухсат этилган умумий оғирлиги</b>	<b>Йўлда ҳаракатланиш учун йиғим миқдори, евро</b>
Тиркамали (ярим тиркамали) ёки тиркамасиз юк автомобили (ўзи тортувчи)	12 т.гача	20
	12 т.дан ортиқ	35

### **ПУЛЛИК ЙЎЛЛАР (ТУНЕЛЛАР, КЎПРИКЛАР)**

2013 йилнирғ 1-июлдан бошлаб Беларусия Республикасида транспорт воситаларни Беларусия Республикасининг айрим йўлларида ёки уларнинг айрим бўлақларида, шу жумладан кўприклар ва бошқа сунъий иншоотлар (бундан буён матнда пуллик автомобил йўллари) орқали ўтиши учун тўловларни тўлаш учун электрон тизим (BelToll) жорий этилган. Автоматлаштирилган тизим микротўлқинли технологияга асосланган бўлиб, у тезлик чегараларини, ҳаракатланиш йўлақларини сони ва уларда ўринни аламаштириш, шунингдек, транспорт воситаларнинг ҳаракатланишига бошқа тўсиқлар яратмайди.

BelToll тизимининг қабул қилиш/узатиш ускуналари билан жиҳозланган металл толл йиғиш порталлари йўл тўшаги устида жойлашган бўлиб, улар автомобилнинг олд ойнасига ўрнатилган борт қурилмаси (БУ) билан маълумот алмашишни таъминлайди. Автомобилдаги борт қурилмаси ва пуллик йиғиш портали ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа автомобил пуллик йиғиш портали остидан ўтаётганда пуллик йўлнинг маълум бир қисми учун йўл ҳақи миқдорини тўлиқ автоматик ҳисоблашни таъминлайди. Автотранспорт ҳайдовчилари тўловларни йиғиш порталларидан ўтганда, тизим автоматик равишда фойдаланувчи тизимда рўйхатдан ўтганда яратиладиган борт қурилмасининг ҳисобидан маблағларни ечиб олади. Тўлов миқдори автомобил босиб ўтган масофага боғлиқ. Операторнинг расмий сайти [www.beltoll.by](http://www.beltoll.by)

Борт қурилмасини пуллик йўлга киришдан олдин олиш керак. Бунинг учун сиз Beltoll тизимида рўйхатдан ўтишингиз керак. Мижозларга хизмат кўрсатиш пунктларида ёки тизим веб-сайти орқали рўйхатдан ўтиш мумкин. Бундан ташқари, баъзи ёқилғи карталари операторлари ўз мижозларига тизимда рўйхатдан ўтиш хизматларини ҳам тақдим этадилар. Beltoll тизими ёқилғи карталарини қуйидаги эмитентлардан қабул қилади: Беларуснефт, Берлио, E100, EuroShell ПЭК «Белавтострада».

Автотранспорт эгаси шартномани тўлдириши ва зарур ҳужжатлар тўпламини тақдим этиши керак.

Тизимда рўйхатдан ўтиш бепул, аммо борт қурилмасини олиш учун гаров пули талаб қилинади.

Гаров қийматининг миқдори (Беларусия Республикаси транспорт ва алоқа вазирлигининг 2013 йил 7-июндаги 16-сонли қарорига биноан):

техник жиҳатдан рухсат этилган умумий оғирлиги 3,5 тоннадан ошмайдиган транспорт воситаси учун 20 евро;

техник жиҳатдан рухсат этилган оғирлиги 3,5 тоннадан ортиқ бўлган транспорт воситаси учун 50 евро.

Гаров қиймати Беларус рублида беларуссия Республикаси миллий банкининг тўлов кунидаги расмий курси бўйича тўланади.

Борт қурилмаси учун гаров пули қурилма хизматга яроқли ҳолатда ҳар қандай хизмат кўрсатиш пунктига етказиб берилгандан сўнг қайтарилади.

Борт қурилмасини олгандан сўнг шартнома бўйича, борт қурилмасининг балансини тўлдириш керак:

балансини тўлдиришнинг энг кам миқдори 25 евро;  
балансда қолган маблағларнинг максимал миқдори 350 еврони ташкил қилади. (Беларусия Республикаси транспорт ва алоқа вазирлигининг 2023 йил 17-июндаги 22-сонли қарори).





Пуллик йўллар рўйхати веб-сайтга жойлаштирилган:  
<http://www.beltoll.by/index.php/beltoll-system/toll-roads/list-of-toll-segments> .

BelToll тизимига киритилган пуллик йўллар куйидаги турдаги транспорт воситаларни бошқарадиган ҳайдовчилар томонидан тўланиши керак:

- техник рухсат этилган умумий оғирлиги 3,5 тоннадан ортиқ бўлган транспорт воситалар (юк автомобиллар, автобуслар, тиркамали автомобиллар, ғилдиракли уйлар)

- Божхона иттифоқидан ташқарида рўйхатдан ўтган техник рухсат этилган умумий оғирлиги 3,5 тоннадан кам бўлган енгил автомобиллар (йўловчи ташувчи автомобиллар ва йўловчи микроавтобуслар).

Беларусия Республикаси транспорт ва алоқа вазирлигининг 2023 йил 17-июндаги 21-сонли қарорига биноан (тахрирда БР ТваКВнинг 2014 йил 10-сентябрдаги 32-сонли қарори) транспорт воситалар учун тўловлар миқдорини ҳисоблаш автомобилнинг техник рухсат этилган умумий оғирлиги ва ўқлар сонига қараб пуллик йўллар учун куйидаги тарифларни белгилайди:

	Механические транспортные средства с допустимой общей массой до 3,5 тонн включительно	0.040 EURO / km
	Механические транспортные средства с допустимой общей массой более 3,5 тонн, 2 оси	0.090 EURO / km
	Механические транспортные средства с допустимой общей массой более 3,5 тонн, 3 оси	0.115 EURO / km
	Механические транспортные средства с допустимой общей массой более 3,5 тонн, 4 оси и более	0.145 EURO / km

- Пуллик йўллардан фойдаланганлик учун пуллик йўл тўловлардан озод қилинади;
- Божхона иттифоқига аъзо давлатлар ҳудудида рўйхатга олинган, техник жиҳатдан рухсат этилган умумий оғирлиги 3,5 тоннадан ошмайдиган транспорт воситалар ва уларга илинган тиркамалар;
- мопедлар ва мотоцикллар;
- Беларусия Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган ғилдиракли тракторлар ва ўзиюрар транспорт воситалари;
- оператив мақсадлардаги транспорт воситалар;
- мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланиладиган транспорт воситалар;
- шаҳар йўловчиларини ташишни амалга оширадиган, шунингдек фавқулудда вазиятларда ҳаракат қилиш ёки Беларусия Республикаси ва бошқа давлатлар аҳолисига гуманитар ёрдам юкларини ташиш учун фойдаланиладиган транспорт воситалар.

Транспорт вазирлигини транспорт инспекциясига пуллик йўллардан фойдаланувчилар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тўловларни ундириш тартибига риоя этилишини назорат қилиш вазифаси юклатилган. Инспекция ходимларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ғилдиракларни блоклаш, транспорт воситаларни ушлаш ва қўриқланадиган автотураргоҳга эвакуация қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколати юклатилган.

## ХАВФЛИ ЮКЛАРНИ ТАШИШ

Беларусия Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 08.12.2010 й. 61-сонли сонли "Беларусия Республикасида хавфли юкларни автомобил транспортида хавфсиз ташишни таъминлаш қоидалари" Қарори тасдиқлаган.

Қоидалар хавфли юкларни ва ушбу юкларни ташийдиган транспорт воситаларининг мансублигидан қатъий назар, Беларусия Республикаси ҳудудидаги шаҳар ва шаҳар кўчалари, умум фодаланиш автомобил йўллари орқали хавфли юкларни ташиш хавфсизлигини таъминлашнинг асосий талабларини белгилайди.

Беларусия Республикаси резидентлари томонидан амалга ошириладиган Беларусия Республикаси ҳудуди орқали хавфли юкларни халқаро ташиш (шу жумладан Беларусия Республикаси ҳудуди орқали хавфли юкларни транзит ташиш, Беларусия Республикасидан хавфли юкларни экспорт қилиш, Беларусия Республикасига импорт қилиш) хавфли юкларни халқаро автомобил транспортида ташиш тўғрисидаги Европа шартномасида, Беларусия Республикаси иштирок етадиган халқаро конвенциялар ва ҳукуматлараро келишувлар (битимлар) ва ушбу қоидаларда белгиланган талабларга риоя қилиш орқали амалга оширилади.

Хавфли юкларни ташиш учун хавфли юкларни ташиш йўналиши талаб қилинади. Хавфли юкларни автомобил транспортида ташиш йўналишини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш белгиланган шаклга мувофиқ, Қоидаларнинг 18-иловасига мувофиқлашувчи томонидан амалга оширилади.

Хавфли юкларни ташиш йўналишлари хавфли юкларни Беларусия Давлат чегараси орқали (киритиш, чиқариш, транзит ўтиш) олиб ўтишда ички ишлар вазирлигининг йўл полицияси бўлимлари билан мувофиқлаштиришни талаб қилмайди, 1, 2-синф хавфли юкларни ташиш (№ 2.1, 2.3 хавфли белгилар), 3 (цистерна, контейнерлар), 6.1, 6.2, 7, шунингдек, колонна тарзида амалга ошириладиган (3 дан ортиқ автомобиллар) хавфли юкларни ташиш йўллари бундан истисно.

Ички ишлар вазирлигининг йўл полицияси бўлинмалари билан мувофиқлаштиришни талаб қилмайдиган хавфли юкларни ташиш йўналишлари 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга амал қилади.

1,2-синфдаги хавфли юкларни ташиш йўналишлари (№2.1, 2.3 хавфли белгилар), 3 (цистерналар, контейнерлар), 6.1, 6.2, 7, шунингдек колонна тарзида (3 дан ортиқ автомобиллар) амалга ошириладиган хавфли юкларни ташиш йўналишлари, хизмат кўрсатиладиган ҳудудда Беларусия Республикаси ички ишлар вазирлигининг давлат автомобил инспекцияси (бундан буён матнда ички ишлар вазирлиги йўл полицияси бўлинмалари деб аталади) билан мувофиқлаштирилади.

Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати полицияси бўлимлари билан келишилган хавфли юкларни ташиш йўналишининг амал қилиш муддати транспорт воситасини айрим хавфли юкларни ташиш учун қабул қилиш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак.

Беларусия Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.09.2008 й. 1397-сонли қарори, беларусия Республикасининг норезидентлари ва резидентлари учун амал қилади:

- Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг саноатда хавфсиз ишлаш Департаментини рухсатномаси асосида, киритиш ва (ёки) иқтисодий бўлмаган асосларда олиб чиқиш, Беларусия Республикасининг божхона чегараси орқали ҳаракатланиши чекланган саноат мақсадлари учун портловчи моддалар, портловчи қурилмалар ва портловчи қурилмалар рўйхати;

-Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг саноатда хавфсиз ишлаш Департаментини рухсатномаси асосида, киритиш ва (ёки) иқтисодий бўлмаган асосларда олиб чиқиш, Беларусия Республикасининг божхона чегараси орқали ҳаракатланиши чекланган саноат мақсадлари учун ионлаштирувчи нурланиш манбаларининг рўйхати;

- саноатда хавфсиз ишлашни назорат қилиш бошқармаси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ядровий ва радиацион хавфсизлик бошқармаси томонидан портловчи моддалар, портловчи мосламалар ва портловчи мосламаларни саноат мақсадларида, захарли моддалар ва ионлаштирувчи манбаларни олиб кириш ва (ёки) чиқариш учун рухсатномалар бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низом радиация республиканинг



божхона чегараси орқали ҳаракатланиш билан чекланган Белоруссия иқтисодий бўлмаган асосларда.

Рухсатномалар тегишли равишда берилади:

Фавкулодда вазиятлар вазирлигининг саноатда хавфсиз ишлашни назорат қилиш бошқармаси:

тел.+375 17 2784303, 278 43 95, 2781227, факс +375 17 2784313

Фавкулодда вазиятлар вазирлигининг ядро ва радиацион хавфсизлиги бошқармаси:

тел. +375 17 2084717, 2529519, факс + 375 17 2529984

## **АЙРИМ ТУРДАГИ ТОВАРЛАРНИНГ БЕЛАРУСИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОЖХОНА ЧЕГАРАСИ ОРҚАЛИ ҲАРАКАТЛАНИШИ**

Беларусия Республикасининг миллий хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳаёти ёки соғлиғини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жамоат ахлоқи ва ҳуқуқ-тартиботни ҳурмат қилиш, маданий қадриятларни ҳимоя қилиш, шунингдек Беларусия Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш учун Вазирлар Маҳкамасининг 23.09.2008 й. № 1397-сонли (тахрирда Вазирлар Маҳкамасининг 23.12.2008 й. №2010, 26.02.2009 й. №254, 06.05.2009 й. №599, 29.06.2009 й. №853, 22.12.2009 й. №1677, 31.12.2009 й. №1739, 05.10.2010 й. №1433, 30.12.2010 й. №1910, 30.12.2011 й. №1797, 17.02.2012 й. №156) қарори билан Беларусия Республикаси божхона чегараси орқали товарлар айрим турдаги ҳаракатини тасдиқланган.

Беларусия Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.09.2008 йилдаги 1397-сонли қарори (тахрирда Вазирлар Маҳкамасининг 05.10.2010 йилдаги 1433-сонли қарори) Беларусия Республикасининг божхона чегараси орқали иқтисодий бўлмаган сабабларга кўра ҳаракатланиш чекланган чиқиндиларни олиб кириш ва (ёки) олиб чиқиш учун табиий ресурслар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Рухсатнома Беларусия Республикаси табиий ресурслар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан берилади: тел. +375 17 2006691, 2004348

Беларусия Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.09.2008 й. № 1397 (тахрирда Вазирлар Маҳкамасининг 05.10.2010 й. №1433, 30.12.2010 й. №1910) иқтисодий бўлмаган асосларда Беларусия Республикасининг божхона чегараси орқали ҳаракатланиш чекланган, Беларусия Республикаси ҳудудига озонни емирувчи моддалар ва (ёки) маҳсулотларни олиб кириш ва ташқарига олиб чиқиш учун, таркибида озонни емирувчи моддалар бўлган, табиий ресурслар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан бир марталик рухсатномалар бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Рухсатномалар Беларусия Республикаси табиий ресурслар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан берилади: тел. +375 17 2006691, 2007119

Беларусия Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.09.2008 й. № 1397 (тахрирда Вазирлар Маҳкамасининг 05.10.2010 й. №1433) Беларусия Республикаси божхона чегараси ҳудудида ҳаракатланиш учун чекланган иқтисодий бўлмаган асосларда, соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан дори-дармонларни, фармацевтика моддаларини киритиш учун рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Беларусия Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.09.2008 й. № 1397 (тахрирда Вазирлар Маҳкамасининг 05.10.2010 N 1433) Беларусия Республикасининг божхона чегараси орқали иқтисодий бўлмаган асосларда ҳаракатланиш билан чекланган, соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни олиб кириш ва (ёки) олиб чиқишга рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Рухсатномалар Беларусия Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Соғлиқни сақлаш соҳасида экспертиза ва синов маркази" РУЕ томонидан берилади: тел. +375 17 2995514, 2995346, 2995348

**ВЕТЕРИНАР НАЗОРАТ**

Беларусия Республикаси қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлигининг 04.02.2004 й.№ 7 (тахрирда Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлигини 17.03.2005 й. №15, 07.02.2008 й. №6) давлат ветеринария назорати томонидан назорат қилинадиган товарлар рўйхати ва назорат қилинадиган товарлар учун ветеринария ҳужжатларини бериш қоидалари тасдиқланган.

Давлат чегараси ва транспортда ветеринария назорати Беларусия Республикаси қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлигининг ветеринария ва озиқ-овқат назорати бўлимининг “Давлат чегараси ва транспортда Беларусия Давлат ветеринария назорати бошқармаси” Давлат муассасаси томонидан амалга оширилади: тел. +375 17 2251335, факс + 375 17 2035256

Беларусия Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.09.2008 й. № 1397 (тахрирда Вазирлар Маҳкамасининг 30.12.2011 й. №1797) божхона Иттифоқининг божхона ҳудудига бошқариладиган товарлар қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлигининг ветеринария ва озиқ-овқат назорати бошқармаси томонидан рухсатномалар бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Рухсатномалар беларусия Республикаси қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлигининг ветеринария ва озиқ-овқат назорати бўлими томонидан берилади: тел. +375 17 3349704, факс + 375 17 2332563

## **ФИТОСАНИТАР НЗОРАТ**

Беларусия Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.07.2006 й. №881 (тахрирда Вазирлар Маҳкамасини 09.07.2011 й. № 973) Беларусия Республикасининг Давлат чегараси ва (ёки) йўналишлар бўйича назорат пунктларида давлат фитосанитария назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Низом Беларусия Республикаси Давлат чегараси орқали ўтадиган назорат пунктларида ва (ёки) йўналишларда давлат фитосанитария назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди.

Беларусия Давлат чегараси орқали ўтадиган назорат пунктларида ва (ёки) манзилларда давлат фитосанитария назорати “уруғчилик, карантин ва ўсимликларни химоя қилиш Бош Давлат инспекцияси” Давлат муассасаси ва унинг ҳудудий ташкилотлари томонидан карантин объектларини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Беларусия қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлиги ветеринария ва озиқ-овқат назорати бўлимининг “уруғларни етиштириш, карантин ва ўсимликларни химоя қилиш бўйича Бош Давлат инспекцияси” давлат муассасаси: тел. +375 17 2882457, факс + 375 17 2845357

## **БЕЛАРУСИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИ ОРҚАЛИ АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИДА ТАШИЛАДИГАН ЮКЛАРНИ КУЗАТУВГА ОЛИШ**

Божхона Иттифоқи божхона кодексининг 2-моддаси 218-бандига мувофиқ Беларусия Республикаси божхона органи қуйидаги ҳолларда божхона нажоратига олиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир:

- 1) хатарларни бошқариш тизими асосида аниқланади;
- 2) ушбу Кодекснинг 12-бобига мувофиқ импорт божхона тўловлари ва солиқларни тўлаш учун хавфсизликни таъминламаслик ёки етарли даражада таъминламаслик;
- 3) агар ушбу қарорлардан камида биттаси бажарилмаса, кучга кирган маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорларда белгиланган божхона транзитининг божхона тартибига мувофиқ юкларни ташиш пайтида ташувчи томонидан мажбуриятларни тақдоран бажармаслик;
- 4) ушбу Кодекснинг 227-моддасига мувофиқ божхона тўловлари ва солиқларни тўлаш мажбуриятини ташувчи томонидан бажармаслик.

Божхона Иттифоқи божхона кодексининг 3-моддаси 218-бандида, агар божхона органи божхона кузатувида олиш тўғрисида қарор қабул қилса, божхона органи уни бундай қарор қабул қилинган пайдан бошлаб 24 соатдан кечиктирмай ташкил қилади.

Беларусия Республикасида ХЙТ китоби ёрдамида ташиладиган товарларнинг божхона назоратлари, агар ташилган товарлар учун тўланадиган божхона тўловлари, солиқлар ва йиғимлар миқдори халқаро ХЙТ тизими кафолатининг максимал миқдоридан (60 000 евро) ошса ёки Беларусия Республикаси божхона қонунчилиги қоидалари ташувчи ХЙТ кафолатига риоя этилишини кафолатлай олмайди, деб ишониш учун асослар мавжуд бўлса, қўлланилади.

Беларусия Республикаси ҳудудида айрим товарларни мажбурий божхона кузатувиغا олиш

1. Беларусия Республикаси 27.08.2008 й. № 429-З Қонунининг 23-моддаси “Алкоголли, таркибида спирт бўлган ноозик-овқат маҳсулотлар ва ноозик-овқат этил спирти ишлаб чиқариш ва айланмасини Давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида” (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) Беларусия Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Беларусия Республикаси ички ишлар вазирлигининг хавфсизлик бошқармаси (автомобилда ҳаракатланаётганда) ёки Беларусия темир йўлининг ҳарбийлаштирилган кўриқчилари (темир йўл орқали ҳаракатланаётганда) **алкоголли, ноозик-овқат алкоголли маҳсулотлар ва ноозик-овқат этил спирти** мажбурий назоратга олади:

Беларусия Республикаси божхона ҳудудига 1999 йил 26-февралдаги божхона Иттифоқи ва ягона иқтисодий макон тўғрисидаги битимга аъзо давлатларнинг божхона ҳудудидан олиб кирилган, Беларусия Республикаси ҳудуди орқали ташилган;

Беларусия Республикаси божхона ҳудудидан Беларусия Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиладиган 1999 26-февралдаги божхона Иттифоқи ва ягона иқтисодий макон тўғрисидаги битимга аъзо давлатларнинг божхона ҳудудига чиқариш учун мўлжалланган;

*Изоҳ: Ушбу Қонуннинг 2-моддасига биноан:*

*алкоголли ичимликлар-озик-овқат хом ашёси, алкоголли ичимликлар ва уларни ишлаб чиқариш учун композицион алкоголли ярим тайёр маҳсулотлардан олинган коньяк, мева ва этил спирти (вино материаллари, ферментланган алкоголли ва алкоголли шарбатлар, инфузиялар, луқма ва сув-спиртли экстрактлар, концентранган озиқ-овқат асослари, озиқ-овқат ароматизаторлари), бошқа ярим тайёр маҳсулотлар этил спиртининг ҳажм улуши 7 фоиз ва ундан кўп;*

*спиртли ичимликлар-ароқ, спиртли ичимликлар, ликёр-ароқли ичимликлар, вино, коньяк, бренди, калвадос, шампан ва этил спиртининг ҳажм улуши 7 фоиз ёки ундан кўп бўлган бошқа ичимликлар (қонуннинг 2-моддаси 1-бандига биноан пиво бундан мустасно).*

Бу талаблар Беларусия Республикаси акциз маркалари билан белгиланган, импорт қилинадиган спиртли ичимликлар ва Беларусия Республикаси Президенти томонидан ёки унинг номидан белгиланган алкоголь, ноозик-овқат ўз ичига спиртни олган маҳсулотлар ва ноозик-овқат этил спиртига тааллуқли эмас.

Белорусия Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти товар номенклатурасининг ноозик-овқат алкоголли маҳсулотлар ва мажбурий парваришlash қўлланиладиган ноозик-овқат этил спирти билан боғлиқ коди кўрсатилган товарлар рўйхати беларусия Республикаси Вазирлар Кенгашининг 27.03.2007 й. 381-сонли қарори билан тасдиқланган.

Беларусия Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.03.2007 й. № 381-сонли Қарорининг 2-бандига мувофиқ ноозик-овқат алкоголли маҳсулотлар билан боғлиқ ва ХЙТ процедураси ёрдамида ташиладиган товарларни мажбурий назоратга олиш 1975 йилдаги ХЙТ Конвенциясига мувофиқ амалга оширилади, яъни мажбурий назоратга олиш, тўланиши керак бўлган божхона тўловларини миқдори 60,000 евродан (ХЙТ остидаги кафолатни максимал миқдори) кўпроқ бўлса.

Беларусия Республикаси қонунчилиги бўйича Беларусия ҳудудида ишлаб чиқарилган ректификацияланган этил спирти, денатурацияланган этил спирти, озиқ-овқат ёки ноозик-овқат хом ашёсидан олинган этил спирти, Беларусия Республикаси ҳудуди орқали 100 декалитрдан ортиқ миқдорда автомобил йўли билан ташилганда Беларусия Республикаси ички ишлар вазирлигининг химоя Департаменти бўлинмалари томонидан назоратга олиниши талаб этилади.

2. Беларусия Республикаси ҳудуди орқали транзитда ташиладиган тамаки хомашёси ва тамаки маҳсулотлари ҳам мажбурий назоратга тортилади.

Бу Беларусия Республикаси Президентининг “тамаки хом ашёси ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва истеъмол қилишни Давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида”ги 17.12.2002 й. №28 Декретни 26-1 бандида белгиланган. Ушбу товарларни мажбурий назоратга олиш Беларусия ички ишлар вазирлиги томонидан мажбурий назоратга олиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага мувофиқ, озиқ-овқат алкогольли маҳсулотлар ва ноозиқ-овқат этил спирти, тамаки хом ашёси ва тамаки маҳсулотлари Беларусия Республикаси ҳудуди бўйлаб автомобил йўллари орқали ташиш, Беларусия Республикаси ички ишлар вазирлиги ва Беларусия Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 14.11.2006 й. №303/115-сонли қарори билан амалга оширилади.

3. Бундан ташқари, ўқотар курол, хизмат ва фуқаролик куроллари, ўқ-дориларни божхона транзитининг божхона тартибига мувофиқ ташиш Беларусия Республикаси ички ишлар вазирлигининг хавфсизлик бошқармаси ёки Беларусия темир йўлининг ҳарбийлаштирилган кўриқчиси мажбурий назоратга олиш (битта нусхадан ташқари) шарти билан амалга оширилади. Бу Беларусия Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 17.11.2003 йилдаги 71-сонли қарори билан белгиланади.

### **Беларусия Республикасида божхона кузатуви остида олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларини назоратга олиш (мажбурий назорат) учун йиғимлар ставкалари**

1. Беларусия Республикаси Президентининг 13 йил 2006 июлдаги 443-сонли "Божхона тўловлари тўғрисида" ги Фармонида мувофиқ, божхона кузатуви остида олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона кузатувида олиш учун қуйидаги божхона тўловлари ставкалари белгиланади (жадвалга қаранг)

Божхона йиғимларини номи	Божхона кузатуви учун божхона йиғимларини миқдори, евро (БР миллий банки курси бўйича)
Ташувчининг транспортдан фойдаланган ҳолда божхона кузатуви учун тўлов (божхона кузатувининг ҳар бир тўлик ва тўлик бўлмаган соати учун)	5
Божхона органининг бир транспорт бирлигидан фойдаланган ҳолда божхона кузатувининг тўлови (божхона кузатувининг ҳар бир тўлик ва тўлик бўлмаган соати учун)	20
Божхона органининг икки транспорт бирлигидан фойдаланган ҳолда божхона тўлови (божхона кузатувининг ҳар бир тўлик ва тўлик бўлмаган соати учун)	40

1. Беларусия Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.07.2006 йилдаги 829-сонли “Беларусия Республикаси ҳудуди бўйлаб автомобил ва темир йўл орқали олиб ўтиладиган товарлар ва (ёки) транспорт воситаларининг кузатув хизматлари (божхона кузатуви, мажбурий кузатувга олиш) учун тарифларни белгилаш тўғрисида” ги қарорига мувофиқ, божхона назорати остида ташиладиган товарлар ва транспорт воситаларини кузатиб бориш учун қуйидаги йиғимлар ставкаси ўрнатилган:

0,5 АҚШ долл. (Беларусия Республикаси Миллий банкининг курси бўйича) 1 км километрга – товарларни ташиш учун ишлатиладиган битта транспорт воситаси учун ёки товар сифатида ўзи юриб келаётган транспорт воситаси учун. Белгиланган тўлов ставкаси Беларусия Республикаси ички ишлар вазирлиги хавфсизлик бошқармаси ва «Белтаможконвой» РУП «Белтаможсервис» бўлинмалари томонидан товарлар ва транспорт воситаларини кузатув остида олиб келишида қўлланилади.

**Беларусияда товарлар ва транспорт воситаларни қонун ҳужжатларига мувофиқ кузатиб бориш божхона органлари ёки Беларусия ички ишлар вазирлиги хавфсизлик бошқармаси бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Беларус ички ишлар вазирлиги хавфсизлик бошқармаси (алоҳида махсус милиция компанияси): тел. (+375) 17 2281356, 2281351.**

## ЧЕГАРА ЎТИШ ЖОЙЛАРИ ВА ЧЕГАРА БОЖХОНАЛАРИНИНГ ИШЛАШ ТАРТИБИ

Чегара ўтказиш пунктларининг барчаси кечаю-кундуз ишлайди.

**Автоўллардаги ўтказиш пунктари:**

**Беларусия-Латвия**

Григоровщина / Патерниеки

Урбаны / Силене

**Транспорт инспекцияларнинг бўлимлари:**

«Григоровщина» тел. +375 215 150325

«Урбаны» тел. +375 215 335032

**Беларусия-Литва**

Бенякони / Шальчининкай

Каменный Лог / Мядининкай

Котловка / Лаворишкес

Привалка / Райгардас

**Транспорт инспекцияларнинг бўлимлари:**

«Бенякони» тел. +375 159 494117

Каменный Лог» тел. +375 159 332705

«Котловка» тел./факс +375 159 133891

«Привалка» тел./факс +375 152 937465

**Беларусия-Польша**

Берестовица / Бобровники

Брузги / Кузница Белостокская

Козловици / Кукурьки

**Транспорт инспекцияларнинг бўлимлари:**

«Берестовица» тел. +375 151 134769

«Брузги» тел. +375 152 757009

«Козловици» тел. +375 162 200819

**Беларусия-Украина**

Александровка/Вильча

Верхний Теребежов / Городище

Веселовка / Сеньковка

Комарин / Славутич

Мокраны / Доманово

Новая Гута / Новые Ярыловичи

Новая Рудня / Выступовичи

**Транспорт инспекцияларнинг бўлимлари:**

«Александровка» тел. +375 235 423567

«Верхний Теребежов» тел. +375 165 546348

«Веселовка» тел. +375 233 333349

«Комарин» тел. +375 232 940244

«Мокраны» тел. +375 165 123672

«Новая Гута» тел. +375 232 940244

«Новая Рудня» тел. +375 235 423567

«БАМАП» Беларусь халқаро автомобилда ташувчилар уюшмаси

220036, Минск ш., Бетонный проезд 23

тел. +375 17 2092600, 2092603

факс +375 17 2092602, 2092604

[www.bamap.org](http://www.bamap.org)

e-mail: [infohub@bamap.org](mailto:infohub@bamap.org)

«БАМАП» Уюшмани Брестдаги ваколатхонаси  
Брест ш., Дзержинский кўч, 50, 2 қават  
тел. +375 17 2103677, +375 162 221788  
факс +375 17 2103735

«БАМАП» Уюшмани Витебскдаги ваколатхонаси  
210035, Витебск ш., П.Бровки кўч., 6  
тел.+375 17 2106075  
тел./факс +375 212 487385, 487787

«БАМАП» Уюшмани Гомельдаги ваколатхонаси  
246027, Гомель ш., Барыкин кўч., 301  
тел.+375 232 429491  
тел./факс +375 232 429490

«БАМАП» Уюшмани Гроднодаги ваколатхонаси  
230026, Гродно ш., Болдин кўч. 6, бино 1  
тел.+375 152 480199, 484408  
факс +375 152 484407

«БАМАП» Уюшмани Могилевдаги ваколатхонаси  
212030, Могилев ш., Гомель шох кўч.,1  
тел. +375 17 2109302  
тел./факс +375 222 458149

Колядичи саноат зонасидаги ХЙТ китобчаларини тарқатиш ва қабул қилиб олиш  
пункти  
Минск ш., Колядичи саноат узели,  
Бабушкин кўч., 74  
тел./факс: + 375 17 2918093

#### **БИРИНЧИ ЗАРУРАТ ТЕЛЕФОНЛАРИ**

Милиция - 102  
Ўт ўчириш хизмати - 101  
Тез тиббий ёрдам - 103.